Ислом КАРИМОВ:

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ДОНОЛИГИ, БАҒРИКЕНГЛИГИ, САБР-БАРДОШИ БИЗНИ ҲАР ҚАНДАЙ БАЛО-ҚАЗОЛАРДАН АСРАБ, ИДРОКИМИЗНИ, АҚЛ-ЗАКОВАТИМИЗНИ ЧАРХЛАБ, ЮРТИМИЗДА ОСОЙИШТАЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО, ФУҚАРОЛАРАРО ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛДИ. БУГУН ЭНДИ ЁРУҒ КУНЛАРГА ЕТГАНИМИЗДАН ҒУРУРЛАНИБ, ЯНГИ-ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ҚАДАМ ҚЎЯЁТГАНИМИЗ УЧУН ФАХРЛАНИБ ИШЛАШ ВА ЯШАШГА АСОСИМИЗ БОР.**


# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

2000 ЙИЛ
27 МАЙ
ШАНБА

№ 61 (25.611).


## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

25 май куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бошланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, элчилар ва хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди ва кун тартибини тасдиқлади.

Сўнгра Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятидаги устувор жиҳатлари тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи Президент Ислом Каримов томонидан олға сурилган мамлакатимизни янги аср бўсағасида ва бошларида ривожлантиришнинг стратегик дастури мустаҳкам ҳуқуқий асосни тақозо этишини таъкидлаб ўтди. Миллий қонунчилик яқин йилларда жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини янада эркинлаштириш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит ҳамда кафолатлар яратишга йўналтирилган ҳолда тараққий этади. Шу муносабат билан Олий Мажлис фаолиятининг истиқбол дастурида нафақат янги қонунлар қабул қилиш, балки реал вазиятни ва амалиётни ҳисобга олган ҳолда мавжуд қонунларни такомиллаштириш кўзда тутилган. Айни пайтда, парламент, аввалгидек, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижросига, жойларда уларнинг қўлланишини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга катта эътибор беради.

Парламент депутатлари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари парламентнинг сессияда кўрилаётган 2000-2002 йилларга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини ўзида ифода қилувчи мазкур ҳужжатниинг муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шу муносабат билан Президент белгиланаётган тадбирларни амалга оширишда, умуман, қонунчилик жараёнида депутатлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг фаол иштироки муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Халқ депутатлари ўз мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этиши, қабул қилинаётган қонунларда ҳар доим сайловчилар фикрини ҳисобга олиши ва ҳимоя қилиши лозим. Сиёсий партиялар фаолият дастурларини янада аниқ режалаштириб олиши ҳамда уни қонунчилик йўли билан изчил амалга оширишга эришиши керак. Улар олдида турган мақсад ягона, бироқ бу мақсадга эришиш йўллари турлича бўлиши мумкин.

Президент, шунингдек, қонунчилик фаолияти механизмини энг яхши хорижий парламентаризм тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш муҳимлигини қайд этди. Бунинг учун, энг аввало, ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва кўриб чиқишнинг янада такомиллашган тартибини ишлаб чиқиш зарур. Энг муҳим қонун лойиҳалари бир неча бор қайта кўриб чиқилганидан сўнг қабул қилиниши лозим. Ислом Каримов парламент ишини такомиллаштириш зарурати тўғрисида гапирар экан, келажакда икки палатали Қонун чиқарувчи орган тузишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат мудофаа қудратини янада юксалтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа масалаларига тўхталиб ўтди.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворлик жиҳатлари тўғрисида»ги ҳужжатни тасдиқлади.

Молия вазири Р. Азимов депутатларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ва 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида ҳисобот берди. Бу масала бўйича парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Сессияда мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан Ширин шаҳри ҳокими И.Эрбеков, Фарғонадаги «Нефткимёмонтаж» тресги бошлиғи Р. Жалилов, «Билдинг-технолоджиз» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори С.Ким, Тошкент Давлат аграр университетининг «Эконометрия ва информатика» кафедраси мудири А. Абдураҳимов сўзга чиқди. Парламент Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йилдаги ҳамда 2000 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М. Умаралиев депутатлар эътиборига «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳавола қилди. Ушбу масала юзасидан «Ўзтадбиркорбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси С.Қамбаров сўзга чиқди.

Олий Мажлиснинг кечки йиғилишида депутатлар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасини давом эттирди. Бу масала юзасидан Шаҳрихон шаҳридаги «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бош директори К.Отахонов, «Виртекс» Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси бошқаруви раиси Б. Обидов, Бойсун тумани ҳокими Т. Ҳамроев сўзга чиқди. Қонун депутатлар томонидан қабул қилинди.

Шундан сўнг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик

масалалари қўмитаси раиси ўринбосари К.Йўлдошев «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров, Чортоқ тумани ҳокими Б.Ҳайдаров, Қашқадарёдаги «Дон — халқ ризқи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Темиров, «Бухоротурист» акциядорлик жамияти раиси М.Зокиров қатнашди. Парламент Қонунни қабул қилди.

«Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Атроф муҳити ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ. Жумабеков сессия муҳокамасига тақдим этди. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари Й. Жўраев, «СамКочавто» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси директори С.Ўроқов, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худайбергенов, Хатирчи тумани ҳокими Э.Турдимов, «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Абдуллаев чиқишларидан сўнг бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Шундан сўнг парламент Олий Мажлиснинг Фидокорлар миллий демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциясини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

***

26 май куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси давом этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Депутатлар Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н. Жўраевнинг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Урганчдаги қурилиш-касб-ҳунар коллежи директори И. Бойжонов, Ургут тумани ҳокими Ҳ. Нуруллаев, «Наманганқурилиш» тресги бошқарувчиси Ш. Матмусаев, Бувайда тумани ҳокими Б. Тўрақулов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов иштирок этди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва халқаро миқёсдаги спортчиларни тайёрлашда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Президент спорт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиши, давлат ҳокимияти органлари, депутатлар, кенг жамоатчилик, энг аввало маҳаллаларнинг доимий эътиборида бўлиши лозимлигини таъкидлади. Ислом Каримов Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалар, хусусан, Сиднейдаги ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши мустақил Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрўси ва нуфузини янада оширишга хизмат қилишини айтди. Шу муносабат билан Президент мамлакатимиз футболини ривожлантириш, «Пахтакор» жамоаси шуҳратини тиклаш зарурлигига эътиборни қаратди.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М. Умаралиев депутатлар эътиборига ҳавола қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қўрғонтепа туманидаги «Оқ сув» фермер хўжалиги раҳбари А. Ахмедов, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Раматов, «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А. Мелкумов иштирок этди.

Ушбу масала юзасидан Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари мамлакат валюта захираларини тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланган товарлар экспортини оширишга халақит берувчи барча тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини таъкидлади. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни ҳар томонлама ривожлантириш, бундай товарлар турларини кўпайтириш, тушган валютани замонавий технологик ускуналар сотиб олишга ишлатиш зарур. Иқтисодиётимиз келажаги, энг аввало экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорларида сотишни қандай ташкил этишимизга боғлиқ.

Парламент янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини тасдиқлади.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Пахтачи тумани ҳокими Э. Умматов, «Турон» акциядорлик тижорат бирлаштирув банки бошқаруви раиси А. Эрдонаев, Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» кооперативи раиси А. Одилов, «Ўзнефтгазқурилиш» акциядорлик компанияси бош директори Б. Ҳафизов, «Янгийўл ёғ-мой» акциядорлик бирлашмаси раиси М. Худоёров иштирок этди.

Депутатлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилди.

Сессияда «Фуқаролар муҳофазаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси И. Собировнинг маърузаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бухоро аэропорти директори Т. Баҳронов, Томди тумани ҳокими А. Назаров чиқишларидан сўнг қонун қабул қилинди.

Депутатлар, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоиловнинг маърузасидан сўнг, айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Сессия котибияти раҳбари З. Охунов иккинчи чақириқ Олий Мажлис иккинчи сессиясига қилинган мурожаатлар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг, депутатлар Ўзбекистон Республикасининг БМТ Халқаро институтининг халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш бўйича Конвенциясига қўшилиши ҳақида қарор қабул қилди. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва томонларнинг барқарорлиги ҳамда хавфсизлигига бошқа таҳдидларга қарши биргаликда курашиш тўғрисидаги Шартномаларни, нефть ва газни транспортировка қилиш давлатлараро тизимларини тузиш учун Институционал асос тўғрисидаги рамкали битимни ратификация қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгаши Қарорларини тасдиқлади. Парламент А. Ҳабибуллаевни пенсияга чиқиши муносабати билан Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раислигидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритди. Олий хўжалик суди раиси этиб, М. Абдусаломов қайта сайланди.

Шундай қилиб, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси якунланди.

**ЙИЛ ОЙ КУН**

## МИСРДА ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ



Яқинда Миср Араб Республикасининг Қоҳира университети Осиё тадқиқотлари марказида Ўзбекистон — Миср дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди.

Осиё тадқиқотлари маркази директори, доктор Муҳаммад Саййид Салим тадбирни очиб, Ўзбекистон — Миср муносабатлари узоқ тарихга эга эканини таъкидлади.

— Айни пайтда халқларимиз ўртасидаги муносабатлар уларни ҳаракатга келтирувчи кучга муҳтож. Дўстлик жамияти икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада юқори поғонага кўтаришга, Миср халқини Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақа миқёсида тутган мавқеи билан яқиндан танитишга кўмак бериши муқаррар, — деди доктор М.С. Салим.

Анжуманда Миср Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДҲ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси бош котиби Ашраф Заъзаъ, Қоҳира университети ректори, доктор Нажиб ал-Ҳилолий, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг Қоҳира бўлими раиси, доктор Абдулло Саъад, Айни аш-Шамс университети профессори Насруло Мубашшир ат-Тарозий, Ўзбекистон билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ташаббус гуруҳи аъзолари ва бошқа таниқли мисрлик олимлар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон — Миср дўстлик жамиятининг таъсис йиғилишида Қоҳира университети ректори, доктор Нажиб ал-Ҳилолий жамият раиси этиб сайланди.

Тадбирда Миср Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакат олий ўқув юртлари, ишбилармон ва илмий доиралар вакиллари иштирок этишди.


**Б. ИРИСОВ, «Жаҳон»АА, Қоҳира шаҳри**


## ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА



Германия федерал вазирлиги делегацияси Қорақалпоғистонга келди. Делегацияга федерал вазирликнинг Марказий Осиё ва Кавказ регионлари бўйича бўлим раиси Александр Музер раҳбарлик қилди.

Республикага сафар давомида германиялик меҳмонлар «Чимбой» хўжалигида бўлиб, бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида Германия элчихонаси ёрдами билан олиб келинган умумий баҳоси 1 миллион 495 минг сўмга тенг бўлган 23 дона ногиронлар аравачаларини топшириш маросими бўлди. Делегация раҳбари А. Музер, Ўзбекистон Республикаси ногиронлар жамияти раиси С. Убайдуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т. Камалов кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами учун Германия элчихонасига миннатдорлик билдиришди.


**Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**


## КИТОБ — МАЪНАВИЯТ ҚАНОТИ



Андижонда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» дастурига биноан «Китоб — маънавиятимиз қаноти» мавзуида республика китоб байрами ўтказиляпти. Тантана туфайли вилоятнинг ҳар бир гўшаси байрамона безанди. Андижон шаҳрининг марказидаги Мирзо Бобур ҳайкали пойи гулларга тўлди. Алишер Навоий номли Маданият ва истироҳат боғида китоблар кўргазмаси кўпчилик эътиборига ҳавола этилди. Китобхонлик, шеърхонлик, мушоира кўнгилларни бир-бирига пайванд этди. Ўзбекистон Қаҳрамони, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Омон Матжон, Муҳаммад Юсуф ва бошқа адиблар билан бўлган китобхонлар учрашувлари қалбларни тўлқинлантирди.

Бир неча кун давом этадиган бу тадбир китоблар офтоб мисол инсонлар қалбига нур, эзгулик ҳарорати бериб маънавий баркамолликка бошлашини кўрсатяпти.


**Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**




Юрт тинчлиги — эл хотиржамлиги.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

## БЕБАҲО СОВҒА

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Сойлиқ қишлоғида жойлашган 11-ўрта мактабни оталиққа олган. Телерадиокомпания мазкур мактабда «Кўзгу» номли кутубхона ташкил қилиб, унга 3 минг дона турли мавзудаги китобларни совға қилди. Куни кеча ана шу кутубхонани очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон телерадиокомпания раиси А. Кўчимов, вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев, Бўстонлиқ туман ҳокими Ў. Маматовлар иштирок этдилар. Муаллим ва ўқувчилар ушбу хайрли тадбирни ўз дил сўзлари билан эътироф этдилар. Бу ердагилар ўзларининг хушманзара табиати сингари адабиётга, шеърга яхшигина таъблари бор экан. Тоғ-ёнбағрида бўлган бу кеча сўнгида шоирлар Тўра Мирзо ва Иқбол Мирзо она-Ватан ва меҳр-муҳаббат туйғулари тажассум топган янги шеърларини ўқиб бердилар. Китоблар ҳақиқатдан энг қимматбаҳо совға бўлди. Бу тортқини ҳеч қандай моддий маблағ билан ўлчаб бўлмайди.

■ **Шукур ЖАББОРОВ**

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Когонлик пиллачилар бу йил ҳам вилоятда биринчи бўлиб давлатга «кумуш тола» топшириш бўйича шартномавий режани ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 85 тонна юқори навли пилла топширилди. «Гулистон» ширкат хўжалиги пиллачиси Гулнора Зокирова, Сирож Хидировлар ҳар қути ипак қуртидан 100 килограммдан ҳосил олишга эришдилар.

Давлатга 155 тонна пилла топширган ромитонлик «кумуш тола» усталари ҳам йиллик режани бажардилар. Ҳар иккала туманда ҳам пилла топшириш давом этмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛАЯПТИ

Усмон Юсупов номли туманда бир қанча янги иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, «Миришкор» қишлоғида 624 ўринли мактаб қуриб битказилди. Уни вилоят «Мелиоқурилиш» трестига қарашли 33-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари барпо этишди.

Ғ. Ғулом номли кооператив ширкат хўжалиги теварагида жойлашган Авазчўл қишлоғида эса деҳқон бозори, Янгиобод кооператив ширкат хўжалиги марказида қишлоқ врачлик пункти қуриб фойдаланишга топширилди. Умуман, туманда кейинги вақтларда ободончилик ишларига эътибор катта бўлмоқда.

■ **Илҳом КАРОМОВ,**

**ИСЛОҲОТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**

# ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ ТАРМОҚ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари қишлоқ хўжалиги бўйича амалга ошаётган ишлар билан ҳам белгиланади. Ушбу соҳадаги натижа эса мамлакат аҳолиси 60 фоизининг турмушига бевосита даҳлдор. Қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар қилмай, ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширмай туриб миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш, бозор хўжалик механизмига ўтказиш мумкин эмас. Бу ушбу тармоқнинг халқ хўжалигида тутган муҳим ўрни билан тавсифланади. Ҳозирги кунга келиб, қишлоқ хўжалиги ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизидан кўпроғини, мамлакат валюта тушумининг эса 55 фоизини бермоқда.

Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маърузасида «Мамлакат иқтисодиётининг асосий негизини ташкил этувчи соҳа — қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи бизнинг диққат марказимизда турмоғи лозим», — деб таъкидладилар. Юртбошимиз аграр сектордаги ислоҳотларга катта эътибор бериб, уларнинг асосий йўналишларини белгилаб бердилар.

Ушбу йўналишларнинг энг асосийси ерга мулкчилик масаласини ҳал этишдир. Уни хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун топшириш ва узоқ муддатга ижарага бериш йўли билан ҳақиқий эгаларига бериш мумкин. Ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ, 1992 йилдан 1995 йилгача мавжуд 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ва ижарадаги корхона шаклларига айлантирилди. Улар негизида 530 жамоа хўжалиги, 350 га яқин кооператив, 100 дан ортиқ ижара корхонаси ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига мансуб корхоналар ташкил этилди. Республикада кўплаб фермер (деҳқон) хўжаликлари ташкил этила бошланди. Бундан ташқари, 1516 та қоракўлчилик фермаси меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга янги имкониятлар очиб берди. Ҳозирги вақтга келиб деҳқон хўжаликлари 3,2 миллионни ташкил қилади, фермер хўжаликлари эса малака синовидан ўтказилиб, қайта ташкил этилмоқда. 2000 йилга келиб Ўзбекистонда фермер хўжаликларининг сони 29 мингтадан ошиб кетди. Уларга 587,3 минг гектар ер бириктирилган. Бир фермер хўжалигига ўртача 20,2 гектар ер тўғри келмоқда. Шу жумладан, Самарқанд вилоятида 3536 та, Жиззах вилоятида 3479 та, Тошкент вилоятида 2810 та, Сурхондарё вилоятида 2742 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилоятида 2000 йилга келиб 85 минг гектар ер фермер хўжаликларига берилган. Ҳар бир фермер хўжаликларига ўртача 31 гектар ер тўғри келмоқда.

Фермер хўжаликлари 1999 йилда гўшт етиштиришни 3,4 фоизга, сут етиштиришни 1 фоизга, тухум етиштиришни 7 фоизга кўпайтирдилар. Қашқадарё, Фарғона вилояти фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кескин оширдилар. Аммо Сурхондарё вилояти фермер хўжаликлари 1998 йилга нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни, шу жумладан, гўшт 19,1 фоизга, сутни 6,2 фоизга, тухумни 28,3 фоизга камайтириб юбордилар.

Деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги улушлари ҳам ўсиб бормоқда. Дон етиштиришда уларнинг улуши 1999 йил сентябрида 1998 йилнинг шу даврига нисбатан 16,3 фоиздан, 17,3 фоизга, мева 62,4дан 66,7 фоизга, гўшт 89,5дан 90,5 фоизга, сут ишлаб чиқариш 91,1 дан 92,1 фоизга кўпайди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилиши натижасида ушбу тармоқ маҳсулотлари умумий ҳажмида нодавлат секторининг улуши 1981 йилдаги 63 фоиздан 2000 йилга келиб 98,5 фоизга етди. Эндиликда нодавлат қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкилий жиҳатдан қайта ташкил этилмоқда. Жамоа хўжаликлари пайчилик асосида ширкат хўжаликларига айлантирилаяпти. 1999 йил 898 қишлоқ хўжалиги корхоналари ширкатларга айлантирилди. Уларнинг умумий сони республика бўйича 963 тага етди. Республика бўйича 87 фоиз пахта ва 95 фоиз дон экиладиган майдон, 92 фоиз полиз экинлари ва картошка экиладиган ерлар оилавий пудратга берилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, уларнинг хўжалик фаолиятини яхшилаш мақсадида 1997 йил декабрда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунга асосланиб 1998 йилда 104 та хўжалик санация қилинди. Улардан 85 таси дон етиштириш, 34 таси пахта ишлаб чиқариш режаларини бажаришди. 81та хўжалик 1998 йилни фойда билан якунладилар. 1999 йилда 254та қишлоқ хўжаликларини санация қилиш давом эттирилди.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш, моддий техника таъминоти, агрокимё хизмати кўрсатиш масалаларида ёрдам берувчи тузилмалар ишини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликлар учун мини трактор ва кичик механизация воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим бўлди. Бунинг учун Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузасида яқин беш, етти йил ичида мамлакатнинг барча аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2005 йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш 85 фоизга, табиий газ билан таъминлашни 82 фоизга етказиш вазифасини қўйди. Бунинг учун 1999-2005 йилларда қишлоқ жойларда 30 минг километрга яқин газ тармоқларини, 18 минг километрга яқин сув қувури тармоқларини ишга тушириш даркор бўлади.

Такрор бўлса ҳам айтиш жоиз, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида ерни мерос қолдириш ҳуқуқи билан узоқ муддатга ижара бериш, пайчилик асосида ширкат корхоналарини ташкил этиш деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қуватлаш, қишлоқ хўжалигини техника, ўғит, ёқилғи-энергия таъминотини яхшилаш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш лозим бўлади. Шунингдек, умумдавлат эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига оқилона харид нархлари белгилаш кўзда тутилади. Давлат буюртмасини аста-секинлик билан камайтириб бориш йўлини давом эттириш керак. Бу ўринда юртбошимизнинг «қишлоқ хўжалиги нафақат эътиборга, балки энг авввало, давлатимиз мунтазам амалий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган тармоқдир. Буни ҳамиша ёдда сақлашимиз лозим», деб айтган фикрларига асосланиб давлатнинг қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик ва бизнес фаолияти кенг кўламда қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқдир.

■ **Ҳошимжон ЭРДОНОВ, Ғайбулло ИСОМИДДИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тингловчилари**

## ЭРТАНГИ КУН ВОРИСЛАРИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 211-мактабда ёш авлодга пухта билим бериш, уларни Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида, ҳур фикрли, баркамол инсон бўлиб улғайиши учун эзгу ишлар амалга оширилмоқда.

— Биз ёшларни пухта билим эгаси бўлишини таъминлаш билан бирга, маҳалла фаоллари, ота-оналар, ҳудуд нозирлари, маҳаллада яшовчи малакали шифокорлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, — дейди мактаб директори Раҳбар Дадаметова. — Бунинг эса ижобий натижалари яққол сезилмоқда. Мактабимизда «Навбаҳор», «Уйғониш» ва «Аҳиллик» маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳолининг 500 нафардан ортиқ фарзандлари таълим олишади. Мактабимиз яқинида жойлашган 375-болалар боғчаси билан ҳам доимо ҳамкорлик қиламиз. Зеро, бугунги боғча тарбияланувчиси эртага мактаб партасида ўтириб сабоқ олувчи ёш авлоддир.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Норбўта Тўрақулов, Дилором Сирожиддинова, Дилором Эгамназарова, Фотима Магаметова ва бошқа фаолларнинг мактаб жамоаси билан ҳамфикр эканликлари қувонарли ҳолдир. Жамоамиз ва аҳоли иштирокида доимо қизиқарли, турли хил тадбирлар ташкил қилиб турамиз.

Мактабда бўлганимизда мактаб ўқитувчилари ва боғча тарбиячилари ўртасида «Соғлом авлод йили»га бағишланган «Маҳаллада соғлом муҳит — мактабда соғлом авлод» мавзуидаги спорт беллашуви тадбирининг шоҳиди бўлдик. Мусобақани физкультура ўқитувчилари Константин Хуршудов ва Короткин Ольга Владимировналар ташкил қилишган экан.

Мусобақа ғолибларига «Аҳиллик» маҳалласи номидан эсдалик совғалар топширилди.

■ **Сулаймон ҲАЙДАРОВ**



*Ўзбек таомига нима етсин.* **Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат**

**«УНИВЕРСИАДА — 2000»**

Озод Ватанимизнинг ўзига хос аҳамиятга молик айёми сифатида ўтказилаётган ушбу тадбир ҳар биримизга завқ-шавқ улашади. Бунинг сабаби бор. Келажагимиз бўлган ёшларимиз баркамоллиги йўлида спортнинг ўрни беқиёс. Спорт — инсон иродасининг тобланиши, унинг ички имкониятлари чексизлигини кўрсатувчи муҳим омилдир. Шу билан бирга тарбия, сабоқнинг ажралмас бир бўлаги. Ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниққан авлодни ҳеч бир куч енголмайди, қайриб ташлай олмайди. Имонимиз комилки, Ватанимиз равнақи йўлида эзгу-орзулар, ёруғ ўйлар билан дадил қадам ташлаётган ёшларимиз ҳар томонлама истиқлолга содиқ бўлиб улғаядилар. Истиқлолга содиқлик мардлик, жасорат, фидойилик, билимдонлик билан ўлчанади. Бугун мамлакатимиз ёшларининг зиёли қатлами, яъни олий ўқув юртлари талабалари спортнинг кўпгина турлари бўйича беллашмоқдалар. Бу билан мамлакатимизда спортнинг барча турлари ривожланиб, жаҳоний мавқега эга бўлиб бораётганини яна бир карра ҳис қиламиз. Юртимизда футбол, теннисни ривожлантириш борасида бир қатор қарорлар чиқди. Айниқса, ўзбек курашининг шон-шавкати дунёни тутди.

Шаҳарларимизда замонавий, айтиш жоизки, дунё талабларига жавоб берувчи ўйингоҳлар, барпо этилмоқда. Теннис бўйича «Президент кубоги» учун ўтказилиб келинаётган мусобақаларни халқаро аҳамиятга моликлиги, бунда дунёнинг машҳур спортчилари иштирок этиши, юртимиз спорт мамлакатига айланиб бораётганидан дарак беради.



Бу йилнинг «Соғлом авлод йили» деб аталиши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, умуман олганда, ёшларимиз, соғлигига жиддий эътибор қилиниши узоқни кўзлаб юргизаётган сиёсатимиз, эртамизнинг гўзал ва жозибали бўлиши учун бугундан бошлаган саъй-ҳаракатимиз натижасидир.

Тўғри, тан олиш керак, юртимиз ёшлари, азиз укаларимиз, сингилларимиз дунёнинг ёшларидан ўтса ўтадики, асло кам эмаслар. Билими етарли. Савияси юксак. Илмга чанқоқлиги қадрли. Адабиёт, санъат ва барча аниқ фанларни оламизми, ўзбек ёшларининг билими баланд, қарашлари ўткир, ўз фикр-мулоҳазаларига эга эканлигига амин бўламиз. Мана, кўплаб ёшларимиз хорижий давлатларда таҳсил олмоқда, билим эгаллаб келишмоқда. Уларнинг интилишларига, зукколигига чет эллик тенгдошлари ҳам тан беришаётгани сир эмас. Зиёлилик, маърифат сари юз буриш хислати бизга улуғ аждодларимиздан мерос. Буни барчамиз яхши биламиз.

Энди Алпомишлар, Ойбарчинлар, Мангубердилар жасорати куйланган юртда бошни тик қилиб, кўкракни кериб, куч-қувватни намоён қилиб яшаш ҳам сурур-

1

# МАЙДОН — АВЛОДНИКИ

лидир. Ёшларимиз бугун майдонда беллашаяптилар. Ҳалоллик, тантилик, меҳр, аҳиллик бор бунда. Бизнинг назаримизда бунда ҳамма ғолиб. Чунки, келажагимиз бўлган ёшларнинг дўстона беллашуви деб қарамоқ керак бунга. Энг муҳими, тинч ва осуда кунларда ўз ёшларини спорт майдонига бошлаган Ватаннинг эзгулик сари нурли қадами деб қарамоқ керак бунга!

Шундай хаёллар билан довон ошдик. Тошкентдан бораверишда Фарғона йўлидан чапга — Наманган шаҳрига қайриладиган йўл бор. Муюлишда бир манзарадан ҳайратга тушдик. Икки чети бетонланган ариқ суви пастдан юқорига қараб шиддат билан оқади-ёв. Сув кўтарилаётган тарафлар ям-яшил боғу-роғлар, экинзорларга бурканган. Сув ҳаракатини эса халқимиз иродасига ўхшатдик. Боиси, сабрли халқимиз тобора юксаликка одимламоқда, қўли етган жойлар гулистонга айланмоқда.

Яйдоқ адирлардан ўтиб, ям-яшил водийга кириб бораверидик. Азим ака: «Қўрғонни кўраяпсизларми? У ерда Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо ҳукмдорлик қилган. «Бобурнома»даги, отамиз Умаршайх Мирзо Ахси қўрғонидан жарга йиқилиб, шунқор бўлди, деган сўзларни эслайсизми? Ҳув анави тепаликлар эса Ахси қўрғони харобаларидир», — деди.

Наманган халқининг «Универсиада — 2000» қатнашчиларини меҳмоннавозлик билан кутгани табиий.

Шаҳарга борганимизда ҳайратимиз янада ошди. Боғу-роғларни кўя турайлик, ҳатто Наманганнинг иморатларию қуруқ симёғочлари ҳам яшил, пушти, зангори, сариқ рангларга бурканган. Рангларда нозик туйғуларда, дид-фаросат, юксак маънавият уйғун.

Шаҳарнинг ажиб манзарасини томоша қилаётганимизда вақт тушга яқинлашган эди. Турли спорт иншоотларида беллашаётган талаба-ёшларни автобуслар тушликка элта бошлади. Анжуманнинг маданий дастури бўйича учрашувларимиз оқшомга мўлжалланган экан. Фурсатни бой бермаслик учун ХДП вилоят бўлими котиби Ҳабибулла Убайдуллаев бизни Косонсойга чорлади.

У ерда «Косонсой — Текмен» ўзбек-турк қўшма корхонаси иш фаолияти билан танишдик. Ишлаб чиқарилган пальто, костюм-шим, жун кўрпа ва гиламларни кўрдик. Улар ниҳоятда сифатли эди.

Кечқурун «Универсиада» қатнашчилари ҳузу-

2

рига, «Чортоқ» — оромгоҳига бордик. Бир гўзал шеърхонлик бўлди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан келган шоир Азим Суюн, М. Рустам шеърларига наманганлик шоирлар Эрмамат Нурмамат, Зиёвуддин Мансуров, Дилбар Бону, Фарҳод Йўлчиларнинг шеърлари уланиб кетди.



«Универсиада — 2000» анжумани аҳамияти, мустақиллик, миллий мафкура ва миллий ғурур ҳақида сўз борди, бу истиқлолимиз меваси эканини таъкидланди. «Фарзандларини ҳеч кимга бериб қўймайдиган», авлодини соғлом, спортга ошно, билимли ва маърифатли бўлишига аҳамиятли масала деб қараладиган юртдагина ана шундай саъй-ҳаракатларга қўл урилиши эътироф этилди. Дарҳақиқат, гуллар шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини Марказий Осиёда ягона «Паҳлавон», «Динамо», «Алпомиш» спорт мажмуалари, «Дўстлик» теннис ўйингоҳи халқаро андозаларга мослиги таҳсинга лойиқдир.

... Йиғилганлар эса универсиада мусобақаларида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида мулоҳаза юритишди. Ўзбекистон Миллий университети талабаси, баскетболчи Олеся Шамионова ҳамда Термиз давлат университети жисмоний тарбия кафедраси мудири Жума Тошпўлатовларнинг фикрлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. «Ўзбекистонда оммавий спортни ривожлантириш муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда ҳам ёшларимизни ватанпарвар, фидойи соғлом қилиб камол топтиришга оид муҳим масалалар ҳақида фикр юритилди. Ёшларни эса футбол учрашувлари, хусусан, Наманган университети, Тошкент жисмоний тарбия институти жамоаларининг 9 тадан очко билан олдинда боришаётгани, кураш беллашувларида И. Расулов, А. Камолов, А. Усанов, А. Йўлдошев, М. Болтаниёзов кабиларнинг чапдастлиги, дона суриш баҳсларида Тошкент, Сирдарё, Андижон, Самарқанд ва Наманган шахматчиларининг маҳорат кўрсатишаётгани ҳақида баҳс-мунозаралар авжга чиқди.

Наманганда дўстлик, ёшлик спорт байрами давом этмоқда. Байрам Ўзбекистон ёшларида Ватанга меҳр-муҳаббатни, келажакка ишонч, ғурур ва фидойиликни мустаҳкамламоқда.

■ **Рустам МУСУРМОН, Маҳмуджон ПАРПИЕВ.**

**Суратларда: мусобақалардан лавҳалар. Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

3

